

## Бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир | Сийрат дарслари (352-дарс)



19:00 / 07.11.2025 936

779. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **«Ҳасадлашманглар, нажш қилишманглар. Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга қарши тадбир қилманглар. Баъзингиз баъзингизнинг савдоси устига савдо қилмасин. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Муслмон муслмоннинг биродаридир. У унга зулм ҳам қилмайди, ташлаб ҳам қўймайди ва уни паст ҳам санамайди. Тақво мана бу ерда, – деб кўксиларига уч марта ишора қилдилар. – Муслмон кишининг ёмонлиги учун муслмон биродарини ҳақорат қилишининг ўзи етарлидир. Муслмонга муслмоннинг ҳамма нарсаси ҳаромдир: қони ҳам, моли ҳам, обрўси ҳам. Албатта, Аллоҳ жасадларингизга**

**ҳам, сувратларингизга ҳам назар солмайди, балки қалбларингизга назар солади».** Бармоқлари билан кўкракларига ишора қилдилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Бошқа ривоятда:

**«Бадгумонликдан сақланинг. Албатта, бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир. Пойлаш ва жосуслик билан шуғулланманг. Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Киши ўз биродари совчилиги устига, то ундан олдинги совчи тарк қилгунча ёки унга изн бергунча, совчи қўймасин»,** дейилган.

*Бухорий ривоят қилган.*

780. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир: саломга алиқ олиш, беморни кўриш, жанозага эргашиш, даъватга жавоб бериш ва акса урганга соғлиқ тилаш»,** дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Бошқа ривоятда бундай келган:

**«Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи олтитадир»,** дедилар. «Улар қайсилар, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Учрашганида, унга салом бер; сени (бирор нарсага) даъват қилганида унга жавоб бер; сендан насиҳат сўраганида унга насиҳат қил; акса ургач, Аллоҳга ҳамд айтганида унга яхшилик тила; бемор бўлганида уни бориб кўр ва вафот этганида (жанозасида) ҳозир бўл»,** дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

781. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирортангиз яхшиликдан ҳеч бир нарсани арзимас санамасин. Агар (ҳеч нарса) топа олмаса, биродарига очиқ юз билан йўлиқсин. Агар гўшт сотиб олсанг ёки қозон қайнатсанг, унинг шўрвасини кўпайтир-да, ундан қўшнингга қуйиб бер».**

*Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

782. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўлларда ўтиришдан сақланинглари»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Биз гаплашиб ўтиришга мажбур бўламиз», дейишди. **«Агар иложсиз бўлиб ўтирсангиз, йўлнинг ҳаққини беринг»**, дедилар. «Йўлнинг ҳаққи нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Кўзни тийиш, озор бермаслик, саломга алик олиш, амру маъруф ва наҳйи мункар»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

783. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар уч киши бўлса, иккитаси учинчини қўйиб пичирлашмайди»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

784. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Киши кишини ўтирган еридан турғизиб, ўрнига ўтирмасин. Лекин сурилинглари ва кенгайинглари»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

***Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.